

## **Дарий тили ҳарбий терминлари тавсифи**

**Аннотация.** Мазкур мақолада дарий тили ҳарбий терминлари тавсифи илмий жиҳатдан ёритилган. Шунингдек, мақолада дарий тилига оид ҳарбий терминларнинг мазмун-моҳияти очиб берилди.

**Таянч сўзлар.** Дарий тили, лексика, ҳарбий соҳа, термин, ҳарбий тузилма, аффиксация, композиция, лексикологизация.

**Annotation.** The article analyzes the metter of characteristics of military terms in dari, at the same time the meaning of military terms in dari language.

**Keywords.** Dari language, lexis, military sphere, term, military units, affixation, composition, lexicalization.

### **Резюме.**

В данной статье раскрыта характеристика военных терминов языка дари, а также сущность и значения военных терминов языка дари.

**Ключевые слова.** Язык дари, лексика, военная сфера, термин, военные соединения, аффиксация, композиция, лексикологизация.

Дарий тили (форси-йе кобулий) Афғонистон Ислом Республикасининг давлат тилларидан биридир. Биз биламизки, Афғонистонда иккита расмий давлат тили дарий ва пашту тилидир. Ҳозирги дарий тили форс ва тожик тиллари билан қариндош тил ҳисобланади. Афғонистонда 20 дан ортиқ тиллар ва 200 дан ортиқ шевалар мавжуд. Мавжуд конституцияга мувофиқ, пушту (афғон тили) ва дарий (форси-кобулий, форс тилининг афғон шеvasи) тиллари Афғонистоннинг расмий тиллари ҳисобланади. Ҳар қандай тилнинг луғавий таркиби, унинг жами сўз бойлиги мазкур миллатнинг бутун тарихий тараққиёти давомида шаклланган ҳодисадир. У доимо ҳаракатда ва ўсишда бўлади. Тилнинг ривожланиш сабаби эса, асосан икки омилга, унинг ички ва ташқи ўсиш манбаларидан қандай фойдалана билишга боғлиқ бўлади. Шу жумладан, дарий тили лексикасида ҳарбий соҳага оид терминологик тизим юзага келган ва у амалда қўлланилмоқда. Шу боис дарий тилидаги бор мавжуд ва янги кириб келаётган ҳарбий соҳа терминларини ўрганиш ва уларни курсантлар билан амалиётга татбиқ қилиш масаласи долзарб аҳамиятга эга.

Шу кунга қадар дарий тилида ҳарбий терминлар мавзусига оид илмий изланишлар ва тадқиқотлар олиб борилган ва ҳозирда ҳам илмий изланишлар олиб борилмоқда. Дарий тилидаги европа тилларидан ўзлашган сўзлар бўйича Х. Хошимбеков<sup>1</sup> ва Х. Ураловлар<sup>2</sup> илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Бундан фарқли ўлароқ собиқ иттифоқ даврида яратилган Г.Г. Алиевнинг “Персидско-русский и русско-персидский военный словарь”<sup>3</sup> М.Ф. Слинкин муаллифлигида чоп этилган ва 40000 га яқин сўз ва иборалардан ташкил топган “Русско-дари военный и технический словарь”<sup>4</sup> китоби ва дарий тилидаги ҳарбий терминлар қисман ёритиб кетилган А.

<sup>1</sup> Хашимбеков Х. Актуальные вопросы терминологии языка дари (проблема усвоения заимствований). Канд. дис. Москва., 1967-220б.

<sup>2</sup> Уралов Х. У. Научно-техническая терминология современного языка дари. Канд. дис. Москва., 1974-230б

<sup>3</sup> Г.Г. Алиев персидско-русский и русско-персидский военный словарь. Москва., воениздат, 1972-656б.

<sup>4</sup> М. Ф. Слинкин "Русско-дари военный и технический словарь", Москва., Воениздат, 1981-246б.

Куронбеков ва Б. Болтаевларнинг “�збекча ва дарийча сўзлашув китоб”<sup>5</sup>лари шулар жумласидандир. Дарий тилидаги ҳарбий терминлар мавзуси тўлиқ ўрганилмаганлиги сабабли улар фонетик, лексик, семантик жиҳатдан таҳлил қилишни ва илмий текшириш ишлари, алоҳида маърузалар, терминология бўйича қатор қўлланмалар, луғатлар яратишни талаб қилади.

Ҳарбий терминология лексик воситалар системаси бўлиб, ҳарбий фан ва махсус мулоқот воситаси ҳисобланади<sup>6</sup>. Ҳарбий терминология лексиканинг периферий қатлами ва шунингдек, умумий лексика билан чамбарчас боғлиқдир<sup>7</sup>. Ҳарбий фаолият ва ҳарбий фан бир-биридан фарқ қилади. Ҳарбий терминология эса тактик, ҳарбий тузилма (бошқарув органлари), ҳарбий-техник ва барча(қуруқликдаги кўшинлар, ҳарбий ҳаво кучлари, ҳарбий денгиз кучлари, чегара) кўшинлар турлари терминларига бўлинади. Ҳарбий фан ва техника ҳозирда тезлик билан ривожланаётганлиги сабабли ҳарбий терминология ҳам ривожланиб бормоқда.

Дарий тилида ҳарбий терминология ҳали махсуслаштирилмаган ва Афғонистон луғатларида турғунлашмаган. Ҳарбий терминлар ўзининг луғат бойлиги ва чет тиллардан ўзлашган ўзлашмалар ҳисобига тўлдириладиган мураккаб тизимдир. Терминологик лексикани термин сўзлар отлар, феъллар ҳамда терминологик сўз бирикмалари ташкил қилади. Бу икки катта терминологик гуруҳ ҳозирги дарий тилининг фонетика, морфология ва синтаксис қоидалари асосида тузилади. Ҳозирги дарий тилида туб ҳарбий терминлар билан бирга ўзлашма терминлар фаол қўлланилмоқда. Бу ҳодиса ўтган асрнинг охириги йилларида Афғонистонда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар ва ҳарбий тўқнашувлар натижасида ривожланишни бошлади. Ҳозирда эса бу жараён Афғонистон Исломи Республикаси ҳудудида ҳалқаро тинчиликпарвар (ISAF) кучларининг жойлаштирилганлиги билан фаоллашиб кетди.

Ҳозирги дарий тилида биз куйидаги ҳарбий терминлар турлари мавжудлигини кузатдик:

1. Туб терминлар
2. Ясама терминлар
3. Мураккаб терминлар (кўшма сўзлар)
4. Ўзлашма терминлар.

1) Туб терминлар деб таркибида биргина лексик маъноли қисм (лексик морфема) бўлган терминларга айтилади. Туб терминлар ичида соф дарийча сўзлар у қадар кўпчиликини ташкил этмайди, чунки Афғонистон қуроли кучларида пушту забон зобитларнинг нуфузи баланд бўлган ва шу сабабли ҳарбий терминларнинг аксарият қисми пуштунча шаклида қўлланилиб келинмоқда. Масалан:

|       |           |                        |
|-------|-----------|------------------------|
| اردو  | [ ordu ]  | армия                  |
| الارم | [ ālārm ] | огоҳлантириш (тревога) |

<sup>5</sup> А.Куронбеков ва Б.Болтаевларнинг “Ўзбекча ва дарийча сўзлашув китоби”Тошкент., ТошДШИ 2007-1186.

<sup>6</sup> Л.Н. Киселева. Язык дари Афганистана. Москва., Наука, 1985-1256

<sup>7</sup> Л.Н. Киселева. Язык дари Афганистана. Москва., Наука, 1985-1256

|          |            |               |
|----------|------------|---------------|
| کندک     | [kandak]   | батальон      |
| لوا      | [levā]     | бригада       |
| فرقه     | [ferqe]    | дивизия       |
| تولى     | [tulay]    | бўлим (звено) |
| قوماندان | [qomāndān] | қўмондон      |
| غند      | [g`und]    | полк          |
| تولى     | [tulay]    | рота          |
| کریچ     | [karič]    | қилич         |
| ضابط     | [zābet]    | офицер        |
| چقورى    | [čoquri]   | хандақ (окоп) |
| حمایه    | [hemāye]   | мудофаа       |
| احتیاط   | [ehtiyāt]  | захира        |
| مرمی     | [marmi]    | ўқ (снаряд)   |
| گزمه     | [gazme]    | тунги қоровул |
| پهره     | [pahra]    | пост          |
| سنگر     | [sangar]   | хандақ (окоп) |
| فیر      | [fir]      | ўқ отиш       |
| برچه     | [barče]    | найза- пичок  |
| درستیز   | [darstiz]  | штаб          |

Дарий тилдаги мавжуд сўзларнинг маъносини ўзгартириш ва уларга ҳарбий маъно бағишлаш билан вжудга келган туб терминлар. Бундай туб терминлар дарий тилида кўпчиликни ташкил қилади. Масалан:

|         |            |  |
|---------|------------|--|
| صنف     | [senf]     | “синф” ва “тур” маъносини билдиради;<br>- ҳарбий термин маъносида эса “қўшин тури”                         |
| حق      | [haq]      | “ҳуқуқ” ва “ҳақ” маъносини билдиради;<br>- ҳарбий термин маъносида эса “заряд”, “ўқлаш”                    |
| پرتاب   | [portāb]   | “ташлаш” ва “ирғитиш” маъносини билдиради;<br>- ҳарбий термин маъносида эса “учириш”(ракета ва б.)         |
| مسافه   | [masāfa]   | “масофа” маъносини билдиради;<br>- ҳарбий термин маъносида эса буйруқ “масофа ол”                          |
| پارچه   | [pārche]   | “қисм”, “парча” маъносини билдиради;<br>- ҳарбий термин маъносида эса “детал”, “қисм”                      |
| فرقه    | [ferqe]    | “фирқа”, “туруҳ” ва “секта” маъносини билдиради;<br>- ҳарбий термин маъносида эса “дивизия”                |
| تشکيلات | [taškilāt] | “ташкилот” маъносини билдиради; - ҳарбий термин маъносида эса “шахсий таркиб”, “қурол-аслаҳа” ва б.        |
| خشت     | [xešt]     | “ғишт”, “қуйма” ва “найза” маъносини билдиради;<br>- ҳарбий термин маъносида эса “затвор” (қурол затвори). |
| کشف     | [kašf]     | “кашф”, “ихтиро” ва “топилма” маъносини билдиради;<br>- ҳарбий термин маъносида эса “разведка” ва ҳ.к.     |
| رفتار   | [raftār]   | “ҳаракат”, “қилиқ” маъносини билдиради;<br>- ҳарбий термин маъносида эса “марш”                            |
| رخصت    | [rohsāt]   | “таътил”, “руҳсат” маъносини билдиради;<br>- ҳарбий термин маъносида эса “таътилга чиқиш”                  |

|       |         |   |
|-------|---------|---|
| پوسته | [puste] | “қатлам”, “қобик”, “қазғоқ” маъносини билдиради;<br>- ҳарбий термин маъносида эса “пост”    |
| گشت   | [gašt]  | “сайр қилиш”, “кезиш” маъносини билдиради;<br>- ҳарбий термин маъносида эса “тунги қоровул” |
| چاپ   | [čār]   | “чоп”, “териш”, “босиш” маъносини билдиради;<br>- ҳарбий термин маъносида эса “калибр”      |

2) Дарий тилидаги ясама терминлар сўз ясовчи кўшимчалар яъни аффикслар ёрдамида ясалган ҳарбий терминлардир. Адабиётларда агар сўзлар (терминлар) бирон бир кўшимча кўшиш орқали ясалган бўлса, ясама сўз (مشتق) дейилиши айтиб ўтилган<sup>8</sup>.

Аффикслар ёрдамида кўплаб от ва сифатга доир терминлар вужудга келган. Таниқли афғоншунос олима Л.Н. Киселева ўзининг “Язык дари Афганистана» асарида дарий тилида сўз ясалишининг қуйидаги усулларини ажратади: аффиксация, композиция, лексиколизация ва семантик усул<sup>9</sup>. Булар ичида аффиксация билан композиция усулини асосий усул деб қарайди. Дарийшунос олима ўз асарида 16 та сўз ясовчи (дереватив) аффиксларни санаб ўтади. Бизга маълумки бу аффикслар от ва турли сўз туркумларига оид сўзлар ва терминларни ясайди ва бу аффиксларнинг ҳаммаси ҳам ҳарбий терминларнинг ясалишида иштирок этавермайди. Баъзи префикслар иштирокида ясалган ҳарбий терминларни мисол келтирамай.

Масалан:

|    |     |        |                  |                           |                  |
|----|-----|--------|------------------|---------------------------|------------------|
| 1  | هم  | [ham]  | “ҳам”, “бирга”   | همجوار [hamjavār]         | кўшни            |
| 2  | پيش | [piš]  | “олд”, “олди”    | پيشدار [pišdār]           | авангард         |
| 3  | خود | [xod]  | “ўз”, “ўзи”      | خودکار [xodkār]           | автомат          |
| 4  | با  | [bo]   | “билан”, “бирга” | باامن [bā amn]            | ҳавфсиз          |
| 5  | بر  | [bar]  | “га”, “да”       | برعهده [barohde]          | зиммасида        |
| 6  | بی  | [bi]   | “...сиз”         | بی پسلگد [bipaslagad]     | тепкисиз         |
| 7  | نا  | [nā]   | “...сиз”         | نامنی [nāamni]            | ишончсизлик      |
| 8  | زیر | [zir]  | “ости”, “таги”   | زیردست [zirdast]          | бўйсунувчи       |
| 9  | به  | [be]   | “...га”          | به حکم [behokme]          | буйруғига биноан |
| 10 | پر  | [por]  | “тўла”           | پرشیب [poršib]            | тик қиялик       |
| 11 | پی  | [pey]  | “из”             | پی جوی [peyjuyi]          | қидирув          |
| 12 | سر  | [sar]  | “бош”            | سرقطار [sarqatār]         | колонна боши     |
| 13 | غیر | [γeyr] | “бошқа”          | غیرمستور<br>[γeyremastur] | очик (нишон)     |
| 14 | نیم | [nim]  | “ярим”           | مستور نیم<br>[nimemastur] | ярим ёпиқ        |

Л.Н. Киселеванинг юқорида зикр этилган ишида 67 та сўз ясовчи суффикслар борлиги қайд этилган, лекин уларнинг кўпи каммаҳсулдир<sup>10</sup>. Ҳарбий терминларнинг ясалишида асосан сермаҳсул суффикслар ва яримаффикслар иштирок этади. Биз бундай суффикслар ва яримаффикслар

<sup>8</sup> Қуронбеков А. Форс тили лексикологияси. Тошкент.. ТошДШИ.2009-1206

<sup>9</sup> Л.Н. Киселева. Язык дари Афганистана. Москва., Наука, 1985-1256

<sup>10</sup> Л.Н. Киселева. Язык дари Афганистана. Москва., Наука, 1985-1256

сони 20 дан ортиқроқ деб тахмин қилдик. “Сўз ясовчи (дереватив) суффикслар эроний (форс, тожик ва дарий) тилларининг бойлиги ҳисобланади”<sup>11</sup>. Ҳарбий терминлар ясашида иштирок этадиган шундай суффиксларнинг баъзиларини келтириб ўтаемиз. Масалан: абстракт отларни ва отлашган сифатларни ясовчи- ى [i] ва -گى [gi] (جاسوسى [jāsusi], سرى [seri]). Нарса-буюм отини ясовчи аффикслар-دان [dān] (باروتدان [bārutdān]). Шахс отини ясовчи аффикслари- چى [či]; كار -[kār]; گر -[gar]; وار -[vār]; نده -[anda]; بان [bān]. яримаффикслар: دار -[dār]; بخش -[bahš] ва бошқалар. Сўзимиз исботи учун шахс оти ясовчи - چى [či] аффиксига мисоллар келтираемиз:

|          |              |                     |             |                |                         |
|----------|--------------|---------------------|-------------|----------------|-------------------------|
| توپ      | [tup]        | тўп,<br>пушка       | توپ+چى      | [tupči]        | тўпчи<br>(артиллериячи) |
| شكار     | [šekār]      | ов                  | شكار+چى     | [šekārči]      | овчи                    |
| ماشيندار | [māšindār]   | пулемёт             | ماشيندار+چى | [māšindārči]   | пулемётчи               |
| نشان     | [nešān]      | нишон               | نشان+چى     | [nešānči]      | нишонга олувчи          |
| هليكوپتر | [helikoptar] | вертолёт            | هليكوپتر+چى | [helikoptarči] | вертолёт<br>учувчиси    |
| گارد     | [gard]       | гвардия             | گارد+چى     | [gardči]       | гвардиячи               |
| بيسيم    | [bisim]      | симсиз,<br>телеграф | بيسيم+چى    | [bisimči]      | радиоалоқачи            |

3) Дарий тили ҳарбий терминологиясида мураккаб терминлар (қўшма сўзлар) ҳам кенг қўлланилади. Агар сўзлар икки ёки ундан ортиқ лексик морфемаларнинг қўшилишидан ясалган бўлса, бундай сўзлар “қўшма сўз” (واژه مرکب)<sup>12</sup> дейилади. Масалан:

|             |               |              |
|-------------|---------------|--------------|
| سرقوما ندان | [sarqomāndān] | бош қўмондон |
| سپهسالار    | [sepahsālār]  | қўмондон     |
| صاحب منصب   | [sāhebmansab] | офицер       |
| تخریبکار    | [taxriybkār]  | қўпорувчи    |
| وطن دوست    | [vatandust]   | ватанпарвар  |
| سردوشه      | [sarduša]     | погон        |

ва ҳ.к.

Қўшма сўзларнинг барчаси келиб чиқишидан қатъий назар тегишли гуруҳларга бўланади. Гуруҳларга тақсимлаш эса “таркибий қисмлар (компонентлар) орасидаги муносабатлар” белгиси асосида амалга оширилади:

а) детерминатив қўшма сўзлар ( детерминативлар):

Детерминативлар гуруҳдаги сўзлар «от + от», «от + сифат», «сон + от», ва ҳ.к. моделида ясалади:

|         |           |                      |
|---------|-----------|----------------------|
| توپخانه | [tupxāne] | artilleriya          |
| نیمتانه | [nimtane] | kurtka               |
| هفت تیر | [hafttir] | to‘pponcha, pistolet |

<sup>11</sup> Л.Н. Киселева. Язык дари Афганистана. Москва., Наука, 1985-1256

<sup>12</sup> Қуронбеков А. Форс тили лексикологияси. Тошкент.. ТошДШИ.2009-1206

|          |            |           |
|----------|------------|-----------|
| دو اکسله | [duaksala] | икки ўқли |
|----------|------------|-----------|

б) копулятив қўшма сўзлар (копулятивлар)

Копулятивлар бир-бири билан тенг икки ва ундан ортиқ негизлар қўшилишидан ясалган қўшма сўзлардир. Копулятив сўзлар кўпинча ўзаро интерфикслар воситасида ёки бевосита бириккан бўлади:

|                  |                   |                |
|------------------|-------------------|----------------|
| ارتباط و مخابرات | ertebātomoxāberāt | алоқа          |
| ساز و برگ        | sāzobarg          | аслаха, ускуна |

Кузатувларимизга кўра, қўшма сўз усулида ясалган ҳарбий терминлар миқдор жихатидан кўпчиликни ташкил қилади. Қўшма терминларнинг бирини жумла таркибида кўриб чиқамиз:

پروژه توپخانه سنگین در ۱۹۷۰ کلید خورد و سه سال بعد اولین نمونه به عموم معرفی گردید.<sup>۱</sup>

*Оғир артиллерия проекти 1970 йилда амалга оша бошлади ва унинг биринчи намунаси уч йил ўтиб кенг оммага таништирилди.*

Дарий тили ҳарбий терминологияси бошқа тиллар каби ўзига хослиги билан ажралиб туради. Масалан, дарий тилида бошқа тилларда эквиваленти бўлмаган терминлар бор ва улар дарий тилининг реалийларини акс эттиради. Бундай терминларга мисол тариқасида замонавий Афғон армиясидаги ҳарбий унвонлар ва буйруқлар системасини киритишимиз мумкин. Дарий тилидаги мазкур ҳарбий лексика ҳозирда ҳеч бир тилда мос эквивалентга эга эмас. Масалан:

Афғонистон қуrolли кучлари ҳарбий унвонлари:

|                            |                                     |                   |
|----------------------------|-------------------------------------|-------------------|
| Генераллар унвони          |                                     |                   |
| مأر شال                    | [māršāl]                            | маршал            |
| ستر جنرال                  | [star janrāl]                       | армия генерали    |
| دگر جنرال                  | [dagar janrāl]                      | генерал-полковник |
| تورن جنرال                 | [turan janrāl]                      | генерал-лейтенант |
| بريد جنرال                 | [briyd janrāl]                      | генерал-майор     |
| Катта офицерлар унвони     |                                     |                   |
| دگروال                     | [dagarvāl]                          | полковник         |
| دگرمن                      | [dagarman]                          | подполковник      |
| جگرن                       | [jagran]                            | майор             |
| Кичик офицерлар унвони     |                                     |                   |
| جگ تورن                    | [jag turan]                         | катта капитан     |
| تورن                       | [turan]                             | капитан           |
| لمرى بريد من               | [lo'mray briydmān]                  | катта лейтенант   |
| دوم بريد من                | [dovvom briydmān]                   | лейтенант         |
| دريم بريد من               | [draym briydmān]                    | кичик лейтенант   |
| Сержант ва аскарлар унвони |                                     |                   |
| سرپک مشر قدمدار (لوی بریش) | [sarpakmešr-e qadamdār (luy briyš)] | старшина          |
| سرپک مشر (جگ بریش)         | [sarpakmešr (jag briysh)]           | катта сержант     |
| معاون سرپک مشر (بریش)      | [moāven-e sarpakmešr]               | сержант           |

|                    |                       |               |
|--------------------|-----------------------|---------------|
|                    | (briyš)]              |               |
| پرک مشر (بريش يار) | [parkmesh (briyšeār)] | кичик сержант |
| دلگى مشر           | [delgay mešr]         | ефрейтор      |
| عسکر، سرباز        | [askar, sarbāz]       | аскар, жангчи |

Ҳозирги дарий тили ҳарбий терминологиясининг хусусияти унинг лексикасининг асосий қисми ўзининг луғат фонди ва чет тиллардан ўзлашган ўзлашмалар ҳисобига кенгайиб бойиб боришидадир. Ҳозирги дарий тили ҳарбий терминлари фонетик, лексик, семантик жиҳатдан таҳлил қилишни ва илмий текшириш ишлари, алоҳида маърузалар, ҳарбий терминлар бўйича катор қўлланмалар, луғатлар яратишни талаб қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ақобиров Р. Тил ва терминология. Т., 1968.
2. Алимова Х. Дарий тили. Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2008.
3. Шокиров О. Дарий тили. 2-қисм. Т., 2004.
4. Қуронбеков А. Форс тили лексикологияси. Т., 2009
5. А.Қуронбеков ва Б.Болтаев Ўзбекча ва дарийча сўзлашув китоби.Т., 2007.
6. Слинкин М.Ф. Русско-дари военный и технический словарь., М., Воениздат, 1981.
7. Хашимбеков Х. Актуальные вопросы терминологии языка дари. (проблема усвоения заимствований). Канд. дис. М., 1967.
8. Уралов Х.У. Научно-техническая терминология современного языка дари. Т.,1990,
9. Киселева Л.Н. Язык дари Афганистана. М.,1985
10. Киселева Л.Н. Очерки по лексикологии языка дари. М.,1973
11. Пейсиков Л.С. Лексикология современного персидского языка. М.,1975.
12. Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка. М.,1975.
13. Алиев Г.Г. Персидско-русский и русско-персидский военный словарь.М.,1972.
14. Миколайник В.И. Учебное пособие по языку дари. М., 1988.
15. Рубинчик Ю.А. Персидско-русский словарь в 2-х т. М., 1983
16. Воскоян Г.А. Русско-персидский словарь. М.,1983
17. Навасардов В.Г. Учебное пособие по военному переводу. Персидский язык. М.,1971.

Интернет сайтлари:

1. [fa.wikipedia.org/wiki/فرماندار/](http://fa.wikipedia.org/wiki/فرماندار)